

**ХАЛҚАРО НОБЕЛЬ, ФИЛДС, КРАФООРД, АНТИНОБЕЛЬ
МУКОФОТИ СОВРИНДОРЛАРИ БЎЛИШДА ТАЪЛИМ
ТИЗИМИНИНГ РОЛИ**

Тогаев Хўжамберди – Халқаро Antigue World Илмий Академияси доктори, академик. Академия “Ихтиролар маркази” директори. Тарих, биология, физика-математика, техника фанлари бўйича қитъалараро мутафаккир (SOPHIST). Лондон (Буюк Британия) “Халқаро Академияси ва Олий таълим” да “Бутун Дунё қитъалараро, минтақалараро, миллатлараро илмий ишлар таҳлили” бўйича эксперт аъзоси. Жиззах Давлат педагогика институту “Ихтирочилар” илмий тўғараги раҳбари.

*Алқоров Қодир – А.Қодирий номидаги ЖДПИ, Технологик таълим кафедраси ўқитувчиси, Жиззах, Ўзбекистон
e-mail: mr.qodir@bk.ru*

***Аннотация:** Мақолада Халқаро Нобель, Филдс, Крафоорд, Антинобель мукофотлари тарихи, моҳияти ҳақида қисқа маълумотлар, уларнинг совриндорлари бўлишида таълим тизимининг роли ҳақидаги мулоҳазалар баён қилинади.*

***Калит сўзлар:** Нобель, Филдс, Крафоорд, Антинобель, фикрлар, маълумотлар, тизим, таълим.*

***Аннотация:** В статье дается краткий обзор истории и значения международных Нобелевской, Филдса, Крафоорда, Антинобеля премий, комментируется роль системы образования в их успехе.*

***Ключевые слова:** Нобель, Филдс, Крафоорд, Антинобель, идеи, данные, система, образование.*

***Annotation:** The article provides a brief overview of the history and significance of the international Nobel, Fields, Crawford, Antinobel Prizes, comments on the role of the education system in their success.*

***Keywords:** Nobel, Fields, Krafoord, Antinobel, ideas, data, system, education*



Алфред Бернхард Нобель

Таваллуди	1833 йил, 21-октябр Стокгоlm, Швеция
Вафоти	1896 йил, 10-декабрь Санремо, Италия
Миллати	Швед
Соҳаси	Кимё
Машҳур	Динамит
Ишлари	Нобел мукофоти

Алфред Бернхард Нобель, динамитнинг ихтирочиси ва Нобел мукофотининг татбиқотчиси.

Маълумки Нобель мукофоти 1901 йилдан бошлаб берилади ва швециялик инженер, химик ихтирочи ва саноатчи Алфред Бернхард Нобель (1833-1896 йй.) номи билан аталади. Мазкур халқаро мукофот ҳар йили Нобель вафот этган кун – 10 – декабрда берилади. Нобелнинг васиятига кўра, ундан қолган жуда катта маблағ асосида Нобель фонди ташкил этилган. Шу фондга ҳар йили тушадиган даромад тенг равишда беш қисмга бўлиниб, физика, химия, физиология ёки медицина соҳасидаги улкан кашфиётлар, шунингдек бадий асарлар учун, халқаро дўстлиги ва тинчликни мустаҳкамлаш йўлида кўрсатиладиган фаолият учун берилади.

Мукофот Альфред Нобель тасвири туширилган ва тегишли ёзуви бўлган олтин медаль, диплом ва миқдори Нобель фондидаги даромадга боғлиқ (одатда 30 – 70 минг доллар атрофида) бўлган пул маблағидан иборат.

Мукофотлар, Нобелнинг тавсиясига кўра, Швеция Қироллик ФА (физика, химия, иқтисод фанлари бўйича), қироллик медицина – хирургия институти (физиология ёки медицина бўйича), Швеция академияси (бадий асарлари бўйича), Норвегия парламентининг Нобель комитети (тинчликни мустаҳкамлаш йўлида кўрсатилган фаолияти учун) томонидан тақдим этилади.

Филдс мукофоти - математиклар Нобель мукофотидан қолдириб кетилганлиги учун Канада математики Жон Чарлз Филдс номи билан боғлиқ, 1936-йилда таъсис этилиб, Ослода 35-йилдан кейин биринчи марта Л.В.Альфонс (Финландия) ва Жон Дуглас (АҚШ)ларга берилган. Бу мукофотни ҳар 4 йилда 41 ёшдан ошмаганларга берилади. Уни математика бўйича Нобел мукофоти деб ҳам юритилади.

Крафоорд мукофоти- Нобель мукофотида табиатшунослик, математика, Ер ҳақидаги фанлар, астрономия соҳалари кўзда тутилмаганлиги учун Швеция Қироллик Академияси 1981-йилда ака-ука Гремм ва Холгер

Крафоордлар номидаги янги илмий мукофотни таъсис этган. Ҳар тўрт йилда баҳор пайти берилади.

Антинобель мукофоти (ингл. Ig Nobel Prize)- Марк Абрахамсом номи билан боғлиқ ҳажвий (ноодатий ва ўта ўткир зехнли ҳазиломуз) тадқиқотлар билан боғлиқ бўлиб, 1991-йилда таъсис этилган. Дастлаб Массачуст Технология институтида бу мукофотнинг тақдимооти бўлган ва ҳозирда ҳар йили Нобель мукофоти совриндорлари номи эълон қилинадиган октябрь ойининг бошида тақдимот маросими Гарварддаги 1166 ўринли Сандерса театри залида бўлиб ўтади. Совриндорларга маъруза учун 60 секунд вақт берилади. Бу вақтдан четга чиқилганда залда огоҳлантирувчи “Илтимос, тўхтатинг, менга зерикарли” деган ҳазил овози микрофонда автоматик тарзда янграйди.

Бу мукофотни рус тилига “Шнобелевская премия” (Щуточная нобелевская премия) деб таржима қилинган. Ўзбек тилига уни “Ҳазил нобель мукофоти” деб ўгириш мумкин.

Нобель, Филдс, Крафоорд мукофотлари фаннинг қайси соҳалари ва тинчликни мустаҳкамлаш учун берилиши барчага маълум, аммо Антинобель мукофоти соҳалари мутлақо чекланмаган, яъни ҳар қандай соҳа ва йўналишларига тааллуқли. Шунингдек бу ҳазилга йўғрилган Нобель мукофоти моҳияти кўпчиликка номаълум бўлганлиги учун баъзи мисоллар келтирамиз:

АҚШ Цинциннат университети физиги Кетрин Уитком –ҳомиладор аёллар нега ўз мувозанатини йўқотмаслиги сирини очиб бергани учун (2008 й) Франциялик ветеринарлар Мари-Кристин, Кристел Жубер ва Мешил Франклар итларда яшайдиган бургалар, нега мушукда яшайдиган бургаларга нисбатан узоққа сакрашини очиб бергани учун (2008 й) Токиолик Ёсиро Накамацу-34 йил давомида истеъмол қилган барча маҳсулотларининг фотосуратлари ва тадқиқоти учун (2005 й), Испаниялик Эдуардо Сегура - мушук ва итларни ювадиган машина ихтироси учун (2002 й), Япониялик Такэси Макино-аёлларнинг эри унга хиёнат қилдими ёки қиладими деган гумонини аниқловчи S-Check аэрозол яратгани учун (1999 й) : бунинг учун аёллар эрининг ички кийимига ана шу аэрозолни пуркашлари зарур бўлади; Бангкок полиция раҳбарлари пора олишни рад этган полиция ходимларини мукофотлаш тўғрисидаги таклифи учун (2015 й) ва ҳоказо.

Мавзудаги саволга жавоб бериш учун аввало зиёкор тушунчасига қисқа шарҳ бериб ўтишга эҳтиёж сезилади. Бу атама халқаро миқёсда қўлланилиб, унинг ўзига лотинча *intelligentia* - ақлли, билимли, идрокли киши деган маъно ётади.

Зиёлилар, интеллигенция- ақлий меҳнат билан шуғулланувчи кишилар. Интеллигенция сўзини рус ёзувчиси П.Д.Боборкин (1836-1921) рус тилига

киритган. Ўзбекистонга бу атамани XIX асрнинг охири XX асрнинг бошида дастлаб жадидлар қўллаган эди. Ўзбек тилидаги зиёли (зиёкор) сўзининг ўзагида зиё, нур маъноси ётади. Зиёли ёки зиёкор сўзи эса илм-маърифатли, билимдон, юксак ахлоқли, демократизм тимсоли ва яхши фазилатларга эга инсонларга таалуқли ҳисобланади.

Ёвузлик, тажовузкорлик, маърифатсизлик, шафқатсизлик, билимсизлик, очкўзлик, мансабпарастлик сингари тубан хусусиятлар юқорида таъкидланган зиёкорликка зиддир. Ўзида бундай салбий сифатлар бўлган зиёкорлар ақл-идроқини, илмни ёвуз ва мансабпарастлик мақсадларига хизмат қилдиради. Шу маънода зиёкорларни чин ва сохталарга ажратиш ўринлидир.

Чин зиёкор–бамисоли мевали дарахт: унинг кўм-кўк япроқлари чуқур билим, теран тафаккур, маънавий-гўзаллик; ўқ илдизи бурчи ва эътиқодига содиқ қолиб, уни ўзига қисмат деб билган ички дунёси қасамёди; меваси-маънавияти ва маърифати, ақл-заковати юксак камолот чўққисини забт этган (этадиган), инсонлар эзгу манфаатлари рўёби учун ниҳоят катта ҳисса қўшадиган, илғор жонли мушоҳада ва мантиқий қарашларга эга бўлган, Она юртининг порлоқ келажаги учун бутун борлигини бахшида этишга бел боғлаган, томирида буюк аждодлари қони оқаётган келажагимиз ворисларидир.

Чин зиёкорни мажозий маънода асаларига ўхшатиш мумкин. Асалари учиб – кўниб, захмат чекиб турли – туман гуллардан, доривор гиёҳлардан, жийда шохидан ошиб унинг хушбўй гулларидан нектар тўплаб, уни доривор асал қилиб инсонларга ҳадя этади. Бундай зиёкорлар эса оламда кўриб, ўзи яшаб турган замон ва заминнинг сиру асрорларини инсонлардан илгарирок илғаб унинг хуш – нохуш жиҳатларини таҳлил қилиб, топган ижобий ечимини ижодий лабораториясида, қайта сайқаллаб, инсонларга улашади.

Сохта зиёкорлар – ҳақида гап борганда беихтиёр, улуғ мутафаккир Алишер Навоийнинг: “Табобат фанида саводсиз табиб худди жаллоднинг ўзгинасидир. Шубҳасиз, жаллод бундай табибдан яхшироқдир. Зеро у жинояти учун адолатли ҳукм қилинган гуноҳкорларни ўлдирса, саводсиз табиб бегуноҳларни ҳалок қилади...” деган гаплари ёдга тушади.

Сохта зиёкорлар – орамизда шундай фаолият кўрсатадиларки, уларни аста–секин аммо муқаррар равишда буюк келажагимиз ворислари фарзандларимизнинг умри ва келажagini, охир оқибатда эса Она Ватанимиз порлоқ келажagini пайҳон қилишни атайлаб эмас балки билмаган ҳолда пинҳона мақсад қилиб қўйганларга ўхшатиш мумкин. Улар “**буюк бўлиш**” (ўз ҳузур – ҳаловати, мансаб, даража, унвонга эришиш йўли)да чин зиёкорлик бурчи, эътиқодини бузадилар ва бу йўлда ўзларини масъулият, адолат, виждон, ижодий изланишлардан маҳрум қиладилар. Шу манода,

сохта зиёкорларни биринчи навбатда ёшларнинг билими, маърифати, маънавияти, эътиқоди, камолоти, хуллас буюк келажакни барбод қиладиган Она Ватанимизнинг буюк келажакига шафқатсиз, қақшатгич зарар берадиган **ички кўзга кўринмас жаллодлар дейишимиз мумкин.**

Мазкур қатъий ҳақиқат – битта ғофил жарроҳ бир кишининг умрига золим бўлса битта ғофил зиёкор минглаб ёш авлоднинг келажакига зомин бўлажagini яққол исботлайди айтилганларни шундай изоҳлаш мумкин:

1. Бирор сохта диплом олган тиббиёт жарроҳи беморни нотўғри операция қилиб, бегуноҳ инсоннинг умрига зомин бўлса уни дарров билиб жазолаш мумкин .

2. Машинасозлик заводларида станокчи фавқулодда нотўғри тайёрланган яроқсиз детални эритиб қайтадан қуйиб ва ишлов бериб яроқлига айлантириш мумкин. Аммо сохта зиёкорларнинг йиллар оша неча миллионлаб фарзандларимизни **“яроқсиз,,** ҳолга келтираётганлигини ва уларни энди қайта тиклашининг ҳеч бир иложи йўқлиги барчага аён.

Бу эса чин зиёкор, унинг бурчи ва эътиқоди ҳақидаги тушунчаларнинг асл моҳиятини ифодалашни тақозо этади.

Чин зиёкор, бурч, эътиқод... Бу уч тушунча ҳар бир мамлакатнинг учта: ўтмиши, бугуни ва келажакга тимсолида узвий бир бутун тақдир бўлиб туташади. Бу ҳақида буюк Француз файласуфи Сен Симоннинг ўз вақтида **“Агар Францияда чин зиёкор олимлар сони эллик нафардан камайиб кетганда у жонсиз жасадга айланиб қолар эди”** деган сўзлари ғоят ибратлидир. Чунки ана шу бирликда ҳар бир мамлакатнинг таълим тизими, буюк келажакга яшайди ва нафас олади халқи меҳнат қилади, келажакка интилади. Бу уч тушунча уч томондан юксалиб, кейин бир-бири билан бириккан нурли тоғ чўққисига ўхшайди. Ана шу нурли чўққини ўз тафаккури билан забт эта олган чин зиёкорларгина халқига манзур бўлиб, уларнинг юрагида абадий яшайди. Зеро, бу нурли чўққига боқиш – улкан маърифий юксалишни, унга кўтарилиш эса ўта жиддий масъулиятни талаб қилади. Шу маънода, **“Чин зиёкорликни – мамлакат жасадининг жони, бурчини – унинг қомуси, эътиқодини – унинг номуси,,** десак муболаға бўлмас. Бундан хулоса шуки, бурчига эътиқод қилмаган ҳар қандай зиёкорни беномус жаллод дейиш мантиқийдир.

Шу ўринда Араб адиби Ҳалил Жеброннинг “Ота-она-камон, фарзанд эса – шу камондан отилган ўқ” деган ибратли фикрини ота-оналардан ҳам кўпроқ чин зиёкорларга тааллуқли дейиш мумкиндек туюлади. Шу маънода, ушбу ибратли фикрни “Чин зиёкор – камон, шогирд (ўқувчи ва талабалар) эса – шу камондан отилган ўқ” дейилиши мантиқийдир. Ўқ камон кўролмаган ва етолмаган келажакда яшайди, демак у камондан кўра илғорроқ, юксакроқ бўлиши табиий.

Бироқ, “Жонли ўқ” нинг нечоғли пухта бўлиши, нечоғли юксак парвоз этиб, нишоннинг марказига аниқ тегиши ҳар қайси замонларда ҳам сўзсиз ”Камон”га, яъни мамлакат таълим тизимидаги чин зиёкорларига боғлиқ.

Маълумки, ҳар қандай мамлакатнинг куч-қудрати ва буюк келажаги сўзсиз жаҳон илм фанига беқиёс ҳисса қўшган Нобель, Филдс, Крафоорд, Антинобель мукофоти совриндори бўлган даҳолари салоҳияти билан белгиланади ва баҳоланади.

Манбааларга кўра энг истеъдодли зиёкорлари кўп мамлакат ирландияликлар, уларнинг ҳар миллион фуқаросига учта Нобель мукофоти тўғри келар экан. Ана шу рақамни янги Ўзбекистонимизга татбиқ этадиган бўлсак, 103 та Нобель мукофоти совриндорларига эришганимизда жаҳон илм-фани чорпоясининг тўрида ўтирган ирландиялик чин зиёкорлар ёнидан жой олишимиз мумкин бўлади.

Юқоридаги ачинарли манзарадан ҳар бир зиёкорда алоҳида мамлакатлар инсонларигагина насиб қиладиган мавзуда келтирилган мукофотлар совриндорлари бўлишга элтувчи махсус йўллар борми? Бор бўлса у қандай йўл? деган тафаккурни ғалаёнга солувчи савол туғилиши табиий.

Ушбу саволга дунёда аҳоли сони энг кўп, бир ярим миллиарддан ортиқ бўлишига қарамасдан жадал ривожланиб бораётган буюк Хитой таълим тизимининг бош йўли ва меъзонидан биргина маълумотни ҳавола этамиз.

Хитойнинг Фудан университетида имтиҳон пайтида ёнидаги ўртоғи билан гаплашиб қўйган талабани талабалар сафидан чиқарилади. У қайта тикланганда ҳам, унга диплом эмас, балки университетни битирганлигини тасдиқловчи ҳужжат берилади.

Чунки ҳар хил йўллар билан олинган сохта диплом ёки унвонлар зиёкорларнинг бурчи, касбий эътиқоди ва билими, маҳорати, масъулияти палағдалигига ҳамда ғофилликка олиб келишини, бундай давлат эса ҳеч қачон жадал тараққий этмаслигини улар яхши биладилар. Бу қатъий ҳақиқатни инкор этиш ва тан олмасликнинг ҳеч бир иложи йўқлигини изоҳлашга эҳтиёж бўлмаса керак.

Айтилганлардан келиб чиқиб, мавзудаги “қачон насиб бўлади?” деган саволга жавоб беришга имкониятимиз даражасида жавоб беришга уринамиз:

1. Зиёкорлар нафақат таълим тизими ва ҳатто турмушимизнинг барча соҳаларида ёшлар тарбиясига оид долзарб мавзулар бўйича мулоқот ва мунозаралар учун энг янги ва қулай имкониятлар эшигини очиши ҳамда ёшларнинг ўзини- ўзи ислоҳ қилишига кўмаклашиши лозим;

2. Чин зиёкорлик бурчи ва эътиқоди узлуксиз таълим тизими “об-ҳавоси”нинг сезувчанлиги юқори бўлган барометрига айланмоғи лозим;

3. Ўқув дастурлари режасини реал ҳаётга, истиқболли демографик башоратга асосланган илмий-услубий мезонлардан келиб чиқиб саралаш, натижалари бўйича танлаш ва тузиш лозим;

4. Узлуксиз таълим зиёкорлари ўқувчи ва талабаларнинг ҳам фикрини ўрганишнинг ташаббускорлари, ота-оналарнинг баъзи эътирозларига тўғри маслаҳат беришдек қийин, бироқ жуда керакли ишни уддалай олишлари керак;

5. Чин зиёкорлик бурчи, эътиқоди эга зийрак ва талабчан ўқувчи ёшларга умумжаҳон жамиятига қабул қилинган либерал ва очиқлик андозалари асосида жавоб бера оладиган бўлиши лозим;

6. Ўқувчи ва талабалар билимларини ютиб олувчи наमत эмас, балки машъалдир, уларни ёқиш аланга олдириш ва алангани узлуксиз ушлаб туриш лозимлигини бугунги ҳар бир чин зиёкор нафақат ўзининг хизмат вазифаси ва ҳатто Янги Ўзбекистонимиз ва Халқаро жамият олдидаги муқаддас бурчи, касбий қисмати деб ҳис этмоғи лозим;

7. Рус муҳожир ёзувчиси Нобель мукофоти совриндори Владимир Нобаковнинг “Америкада сизнинг уруғ-аймоғингизнинг кимлиги ёки чўнтагингиздаги пулингизга қараб илмий унвон ҳам, мукофот ҳам берилмайди. Агар қўлингиздан келмаса, мансаб курсисига ўтқазишмайди ҳам” деганини, лаёқатлими ёки лаёқатсизми, саводлими ёки саводсизми ишни бир парча ҳужжат, пул, таниш – билиш ҳал қилиши касаллиги Ўзбекистонликлардан мавзудаги мукофот совриндорлари етишиб чиқмаётганининг бош сабаби эканлигини мутасадди раҳбарлар билишлари лозим;

8. Шунингдек Америкада махсус ғояларни йиғувчи ташкилотлар мавжуд. Унда оддий ишчидан тортиб академиккача ўзининг бирор ғояси билан ана шу ташкилотга мурожаат қилиши мумкин. Таклиф этилган ғоя билан ташкилот бевосита шуғулланади, унга муаллифнинг иштирок этиши ҳам шарт эмас. Ишлаб чиқаришга татбиқ этилгач, ўша ғоянинг эгаси у қатнашмаса ҳам унга миллионлаб доллар пул ажратилади. Ҳаттоки, қўлланилмаган лекин яхши ғоялар учун ҳам муаллифга пул берилади. Шу маънода Янги Ўзбекистонда “Ғоялар хазинаси” деган махсус ташкилотни барпо этиш ва барча ноёб талантликлар, ихтирочиларнинг ғоялари учун мувофиқ шароит яратилиши лозим;

9. Узлуксиз таълим тизими жараёни-бу аттестат, гувоҳнома, диплом, илмий даража ва унвонлар бериш учун сарфланган вақт (йиллар) эмас, балки шахс учун доимий изланиш ва юксалиш жараёнига сарфланган вақт бўлиб, Янги Ўзбекистон келажаги учун жамият ақл-заковатни ривожлантиришига киритилган сармоя, олинадиган натижа эса чин зиёкорлар унга киритадиган беминнат “сармоя”га бевосита боғлиқ эканлигини унутмаслиги лозим, чунки:

Чин зиёкор бурчи эътиқодидан,
Дунёда ҳеч нарса бўлолмас устун.
Улар жавобгардир Она-Ватаннинг,
Ўтмиши, бугуни эртаси учун.

Ёгинсиз булутдан - тутун яхшидир,
Мевасиз дарахтдан – ўтин яхшидир.
Сохта диплом, халқ фарзандин алдаган,
Зиёкордан – лўли хотин яхшидир.

Бу сўзсиз Ватанга эрур хиёнат,
Зиёкорлар буни дилдан ҳис қилсин.
Орзу қилмай сохта диплом, унвонни
Чин илм йўлини қисмат деб билсин.

Диплом-ғилоф, илм-қалбдаги шамшир,
Жанг қилмоқ ғилофмас шамширнинг иши
Шамширга боғлиқ жанг, келажак, тақдир,
Илмга сарф бўлсин умр ёз- киши.

Бу оддий ҳақиқат - тиниқ манзара,
Чунки билаги зўр йикса биттасин

Билими зўр енгиб минглаб офатни,
Фаровон этар халқ бугун, эртасин.

Зиёкор бурчидир ҳар ёш юракда,
Энг теран ва ёрқин ҳислар уйғотмоқ.
Унда бош мезондир ёрмоқ зулматни,
Ёрганидай булут бағрини чақмоқ.

Қалблар қаъридаги шу мумтоз мезон,
Ҳақиқий илмдан этар камолга.
Ҳар бир зиёкор ҳис этмоғи керак,
Масъуллигин дилдан шу бурч - аъмолга.

Ўшанда Хоразмий, Беруний, Сино,
Ворислари юртда кўпайиб албат,
Нобель, Филдс, Крафоорд мукофотлари
Ўзбегим байроғин кўтарар баланд.

Янги Ўзбекистон ҳар қандай тўсиқ,
Олдида ҳеч қачон бўлмагай қарахт.
Ўқ илдизи етиб илмий уммонга,
Мангу яшнар мисли Секвойя¹ дарахт.

¹Секвойя – индеецлар черкови қабиласида тахминан 1772-йилда туғилган. У биринчи индеецлар алифбосини якка ўзи яратган тарихдаги биринчи киши. 1907-йилда Вашингтондаги Канитолия ҳайкаллари қўйилган залда ҳайкали қўйилиб, АҚШ нинг Оклохома штатидаги бир округ унинг номи билан аталади. Унинг номига қўйилган барча ёдгорликлар ичида биттаси айниқса Секвойя номини абадиятга муҳрлади. Америкада ўсадиган умри асрлар билан ўлчанадиган, қадди осмон гумбазига етадиган ҳамиша ям-яшил бир дарахт унинг исми билан Секвойя деб аталди ва бу ном география ва биология дарсликларида ҳам абадий қолди. “Американинг бу секвойя (*Sequoja gigantea*) дарахти энг узоқ 4000-6000 йил яшайди ва энг баланд (140 метр) бўлиб, ҳамиша кўм-кўк бўлиб яшнаб туради, йўғонлиги эса 9 метргача боради”.

Фойдаланилган адабиётлар

1) Альфред Бернхард Нобель “Нобель мукофоти совриндорлари ва унинг яратилиш тарихи” Париж, 1895-йил 27-ноябр.

2) Х. Тоғаев “Нобель мукофоти тақдимоти” тарихидаги истисно, ноаниқлик, рад этиш ва таҳдидлар. Жиззах ҳақиқати газетаси, 2012-йил 11-январ.

3) Х. Тоғаев “Нобел мукофоти нега математикага жорий этилмаган?” Жиззах ҳақиқати газетаси, 2002-йил 11-декабр, 5-бет.

4) “Нобель мукофоти тарихида биринчи марта”, Парвона газетаси, 2011-йил 6-октябр, 14-бет.

5) А. Тўраев “50 йил сир сақланади”, Туркистон газетаси, 2016-йил 17-декабр, 101-сон, 6-бет.